

Навойи вилояти аҳолисига 2022–2023–2024 йилларда кўрсатилган аллергология хизмати юзасидан таҳлилий ёндашув

Очилов Фархад Эшмаматович

*Навойи давлат университети табиий фанлар ва тиббиёт факультети
клиник фанлар кафедраси аллергология фани ўқитувчиси. Ўзбекистан, Навойи
шаҳри, 210100*

Эшмаматов Самир Фархад ўғли

*Тошкент давлат тиббиёт университети
даволаш факультети 1-курс талабаси.*

Аннотация: *Мазкур тезисда Навойи вилояти аҳолисига 2022–2023–2024 йилларда кўрсатилган аллергология хизмати таҳлил қилинди. Худуднинг демографик ва экологик хусусиятлари, саноатлашув даражаси ҳамда иқлим шароитининг аллергик касалликлар тарқалишига таъсири ўрганилди. Бирламчи мурожаатлар статистикаси асосида касалликлар динамикаси таҳлил қилиниб, худудга мос ташкилий ва профилактик таклифлар ишлаб чиқилди.*

Калит сўзлар: *аллергик касалликлар, бронхиал астма, аллергик ринит, поллиноз, дерматит, эпидемиология, атроф-муҳит, профилактика.*

КИРИШ

Аллергик касалликлар бугунги кунда дунё миқёсида долзарб тиббий-ижтимоий муаммолардан бири ҳисобланади. Сўнгги йилларда экологик вазиятнинг ёмонлашуви, иқлим ўзгариши, саноатлашув ва урбанизация жараёнлари аллергик патологиялар ўсишига олиб келмоқда.

Навойи вилояти худуд жиҳатидан катта (110 минг кв.км), аҳоли зичлиги паст (1 кв.км га 9 киши), аммо саноат корхоналари жойлашуви юқори бўлган худуд ҳисобланади. Вилоятда Навойи Азот АЖ, НКМК, Қизилқум цемент, Навойи электр-кимё заводи, Учқудуқ ва Зарафшон шаҳарларидаги қазиб чиқариш корхоналари фаолияти атмосфера ҳавоси ҳолатига таъсир кўрсатмоқда.

Шу боис, аллергик касалликлар динамикасини илмий таҳлил қилиш ва аллергология хизматини такомиллаштириш долзарб вазифадир.

Тадқиқот мақсади

Навойи вилояти аҳолисига 2022–2024 йилларда кўрсатилган аллергология хизматини статистик ва таҳлилий жиҳатдан баҳолаш ҳамда худудга мос ривожлантириш таклифларини ишлаб чиқиш.

Материал ва усуллар

Таҳлил учун 2022–2023–2024 йилларда шаҳар ва туманларда биринчи марта аниқланган аллергик касалликлар статистикаси қўлланилди.

Ўрганилган нозологиялар:

- Бронхиал астма

- Аллергик ринит
- Поллиноз
- Крапивница
- Аллергик дерматит
- Овқат аллергияси
- Инсект аллергия

Демографик ва экологик омиллар ҳам таҳлил қилинди.

Натижалар

1. Умумий динамика

Бирламчи аниқланган аллергик касалликлар сони:

- 2022 йил — 5984 нафар
- 2023 йил — 6573 нафар
- 2024 йил — 7959 нафар

Уч йил ичида умумий ўсиш 33% га яқинни ташкил қилди.

Бу кўрсаткич аллергик касалликлар йилдан-йилга ортиб бораётганлигини тасдиқлайди.

2. Нозологик таҳлил

2024 йилда энг кўп учраган касалликлар:

1. Аллергик ринит — 2345 ҳолат
2. Аллергик дерматит — 1679 ҳолат
3. Крапивница — 1729 ҳолат
4. Бронхиал астма — 499 ҳолат

Энг тез ўсиш аллергик ринит ва овқат аллергиясида кузатилди.

Бу ҳолат ҳаво аллергенлари ва озиқ-овқат таркиби ўзгариши билан боғлиқ бўлиши мумкин.

3. Худудлар кесимида таҳлил

Энг юқори кўрсаткичлар:

- Навоий шаҳри
- Кармана тумани
- НКМК тизими

Шаҳар аҳолиси ўртасида касаллик кўрсаткичи юқори. Бу ҳаво ифлосланиши ва саноат чиқиндилари билан боғлиқ.

Қишлоқ худудларида нисбатан паст, аммо иқлим шароити туфайли поллиноз ҳолатлари кўп учрайди.

Аҳолининг жинс ва ёш таркиби бўйича таҳлил

1. Демографик кўрсаткичлар

Навоий вилояти аҳолиси — 1 028 352 нафар.

Ёш таркиби:

- 0-14 ёш — 37,9%
- 15-17 ёш — 6,8%
- 18 ёшдан катта — 55,3%

Шундан кўриниб турибдики, вилоят аҳолисининг 44,7% қисми болалар ва ўсмирлардан иборат. Бу аллергия касалликлар профилактикасида педиатрик йўналишнинг муҳимлигини кўрсатади.

Жинс таркиби:

- Хотин-қизлар — 51%
- Эркалар — 49%

Жинс нисбати деярли тенг, бироқ хотин-қизлар улуши бироз юқори.

Аллергия касалликларнинг ёш бўйича эҳтимолий тақсимооти (клиник таҳлил)

Аллергия касалликлар ёшга қараб турлича намоён бўлади:

1. Болалар (0–14 ёш)

Бу гуруҳда:

- Атопик дерматит
- Овқат аллергияси
- Бронхиал астманинг эрта шакллари

кўпроқ учрайди.

Аҳолининг 37,9% болалар эканини ҳисобга олсак, аллергия касалликларнинг катта қисми педиатрик амалиётга тўғри келади. Айниқса овқат аллергияси ва атопик дерматит болаларда юқори улушга эга.

2. Ўсмирлар (15–17 ёш)

Бу даврда:

- Поллиноз
- Аллергия ринит
- Бронхиал астма

кўпайиши кузатилади.

Гормонал ўзгаришлар иммун жавобга таъсир қилиб, аллергия касалликларнинг клиник намоён бўлишини кучайтиради.

3. Катталар (18 ёшдан юқори)

Бу гуруҳда:

- Аллергия ринит
- Бронхиал астма
- Крапивница
- Инсект аллергия

кўпроқ аниқланади.

2024 йилда аллергия ринит (2345 ҳолат) ва дерматит (1679 ҳолат) юқори кўрсаткичга эга эканини ҳисобга олсак, асосий касалланиш улуши катта ёшдагилар ҳиссасига тўғри келади.

Жинс бўйича таҳлил

Тиббий адабиётларга кўра:

- Болалик даврида аллергия касалликлар ўғил болаларда кўпроқ учрайди.

• Катта ёшда эса аёлларда аллергия патологиялар (айниқса аутоиммун ва дерматологик шакллар) кўпроқ қайд этилади.

Навоий вилоятида хотин-қизлар улуши 51% бўлганлиги сабабли, аллергия ринит ва дерматит каби касалликлар статистикасида аёллар ҳиссаси юқори бўлиши эҳтимол.

Шунингдек:

- Ҳомиладорлик даврида гормонал фон ўзгариши
- Маиший аллергиялар билан кўпроқ контакт
- Темир танқислиги ва D витамин етишмовчилиги

аёлларда аллергия касалликлар хавфини оширувчи омиллар ҳисобланади.

Демографик хусусиятларнинг хизматни ташкил этишга таъсири

Аҳолининг қарийб ярми болалар ва ўсмирлар эканлиги қуйидагиларни талаб этади:

1. Педиатр-аллерголог штат бирликларини кўпайтириш
2. Мактаб ва боғчаларда скрининг дастурларини жорий этиш
3. Болаларда овқат аллергияси бўйича махсус дастур ишлаб чиқиш

Жинс таркибини ҳисобга олган ҳолда:

- Аёллар учун профилактик кўриклар
- Репродуктив ёшдаги аёлларда аллергия назорати
- Корхоналарда ишловчи эркаларда касбий аллергия скрининги мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Муҳокама

Аллергия касалликлар ўсишининг асосий сабаблари:

1. Атроф-муҳит ифлосланиши

PM2.5 ва PM10 зарралари, саноат чиқиндилари нафас йўллари яллиғланишини кучайтиради.

2. Иқлим ўзгариши

Аномал исиш, қурғоқчилик, чўлланиш — ҳавода аллергия концентратиясини оширади.

3. Урбанизация

Шаҳар аҳолиси орасида касаллик кўп.

4. Овқатланиш ва турмуш тарзи

Фаст-фуд, витамин D танқислиги, стресс.

5. Ирсий мойиллик

Аллергология хизмати фаолияти

Вилоят аллергия хизмати қуйидаги ҳужжатлар асосида фаолият юритмоқда:

- ПҚ-3715 (11.05.2018 й.)
- ПҚ-371 (23.11.2023 й.)
- ССВ буйруқлари (2016, 2020 й.)

Вилоят бош аллергия хизмати — Примов Ш.Ж., 28 йиллик тажрибага эга.

Аммо:

- Барча туманларда алерголог штат бирлиги мавжуд эмас
- Диагностик имкониятлар чекланган
- ASIT кенг жорий этилмаган

Хулоса

1. Навоий вилоятида алергик касалликлар динамик ўсиш тенденциясига эга.

2. Энг кўп тарқалган касаллик — алергик ринит.

3. Шаҳар аҳолисида касаллик кўрсаткичи юқори.

4. Экологик ва иқлим омиллари асосий таъсир этувчи фактор ҳисобланади.

5. Алергология хизмати такомиллаштиришни талаб қилади.

Навоий вилояти учун ривожлантириш таклифлари

1. Ташкилий чоралар

- Барча туманларда алерголог лавозимини жорий этиш
- Марказлашган алергологик реестр яратиш
- Санитар-эпидемиологик мониторингни кучайтириш

2. Диагностика

- Ҳар бир йирик туманда алерготест лабораторияси ташкил қилиш
- FeNO ва спирометрия аппаратураси билан таъминлаш
- Полен мониторинг тизимини жорий этиш

3. Даволаш

- ASIT дастурини кенгайтириш
- Биологик терапияни босқичма-босқич жорий этиш
- Ингаляторлар билан таъминлашни яхшилаш

4. Профилактика

- Саноат корхоналарида экологик назоратни кучайтириш
- Аҳоли ўртасида тарғибот ишларини олиб бориш
- Мактабларда алергик скрининг дастурини жорий этиш

5. Илмий-амалий ишлар

- Ҳудудий эпидемиологик тадқиқотлар
- Климат ва алергия ўртасидаги боғлиқликни ўрганиш
- Телемедицина хизматини ривожлантириш

Якуний хулоса

1. Навоий вилояти аҳолисининг 44,7% қисми болалар ва ўсмирлардан иборат бўлиб, бу алергик касалликлар профилактикасини эрта ёшдан бошлаш зарурлигини кўрсатади.

2. Аҳолининг 55,3% катталар бўлиб, алергик ринит ва бронхиал астма асосий юкни ташкил этади.

3. Хотин-қизлар улушининг юқорилиги дерматологик ва иммунологик алергик касалликлар кўрсаткичига таъсир кўрсатиши мумкин.

Аллергология хизмати демографик таркибга мос равишда ихтисослаштирилган йўналишларда ривожлантирилиши лозим.

Навоий вилоятида аллергия касалликлар сони ортиб бораётгани ҳудуднинг экологик ва иқлим шароити билан бевосита боғлиқ. 2022–2024 йилларда бирламчи мурожаатлар 33% га ошган.

Аллергология хизматини модернизация қилиш, профилактик чораларни кучайтириш ва экологик назоратни яхшилаш орқали касалликлар ўсиш суръатини пасайтириш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 11.05.2018 йилдаги ПҚ–3715-сонли “Аллергия касалликларни профилактика қилиш, ташхислаш ва даволашни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 23.11.2023 йилдаги ПҚ–371-сонли “Аллергия касалликларни олдини олиш ва даволаш сифатини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори.

3. Global Initiative for Asthma (GINA). Global Strategy for Asthma Management and Prevention. 2024–2025.

4. Bousquet J., et al. Allergic Rhinitis and its Impact on Asthma (ARIA). Allergy. 2008;63(Suppl 86):8–160.

5. World Allergy Organization (WAO). White Book on Allergy. 2022 update.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. Навоий вилояти демографик кўрсаткичлари, 2022–2024 йиллар.